



## **Андижон вилоят статистика бошқармаси «Ижтимоий соҳа статистикаси» бўлими**

### **НИЗОМИ**

#### **I. У мумий қоидалар**

1. Ижтимоий соҳа статистикаси бўлими (кейинги ўринларда Бўлим деб юритилади) Андижон вилояти статистика бошқармасининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига ва бошка хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Конунига, «Ўзбекистон Республикасининг давлат статистика қўмитаси тўғрисида»ги Низомга, шунингдек мазкур Низомга амал қиласди.

#### **II. Бўлимнинг вазифалари**

3. Куйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, ижтимоий муҳофаза, туризм, фан ва илмий-техникавий салоҳият статистикасига оид маълумотларни йиғиши, қайта ишлаш, сақлаш ва нашр қилиш;

Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий муҳофаза, туризм, фан ва илмий-техникавий салоҳият статистикасига оид статистик кўрсаткичларнинг ишончлилиги, холислиги, комплекслилиги ва тизимлилигини таъминлаш;

Бўлим томонидан тайёрланадиган статистик маълумотларнинг сифатини яхшилаш бўйича доимий иш олиб бориш;

Ижтимоий статистикага оид маълумотларни электрон шаклда йиғиши, қайта ишлаш, жамлаш, сақлаш ва тақдим этишининг ягона технологик тизимини мунтазам такомиллаштириб бориш;

жамланма ҳисоботлар асосида олинган маълумотларни бирламчи статистик таҳлил қилиш ишларини амалга ошириш;

Давлат статистика ишлари дастурининг тегишли бўлимлари ишларини белгиланган муддатларда ва хажмларда бажарилишини таъминлаш;

Ижтимоий статистика бўйича якка тартибдаги статистика маълумотларининг махфийлигини таъминлаш.

4. Бўлим ўзига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, қуидагиларни амалга оширади:

Давлат статистикаси тамойилларига ва халкаро стандартлар ва қоидаларга мос келувчи ягона статистика услугиятига риоя этилишини таъминлаш;

Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ ахоли соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, ижтимоий муҳофаза, туризм, фан ва илмий-техникавий салоҳият статистикаси бўйича статистик кузатувлар ўтказиш, тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва статистик маълумотларни нашрга тайёрлаш ишларини ташкил этиш;

Ижтимоий статистика бўйича статистик маълумотларнинг сифатини яхшилаш, маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва умумлаштиришни такомиллаштириш ишларини олиб бориш;

Давлат статистика қўмитасининг ижтимоий соҳа статистикаси бошқармаси билан ҳамкорликда ижтимоий соҳа холатини тавсифловчи белгиланган қўрсаткичлар рўйхатига асосан маърузалар ва статистик тўпламлар учун, халкаро ташкилотлар учун, шунингдек қўмита раҳбарияти топшириги бўйича турли маълумотларни тайёрлаш;

Ижтимоий соҳа статистикаси бошқармаси билан ҳамкорликда худудий статистика органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотларнинг хаққонийлигини текшириш;

Статистик маълумотларни тайёрлаш, сақлаш ва тарқатишда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш.

### **III. Бўлимнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

5. Бўлим статистиканинг ягона илмий услубияти асосида статистик маълумотларнинг сифатлилигини йўлга қўйиш ва оширишга, статистик, таҳлилий ва ўз ваколати доирасидаги бошқа материалларнинг савиясига жавобгардир.

Бўлим ходимлари ҳисобот тақдим этувчиларнинг якка тартибдаги маълумотларининг махфийлигини таъминлашга, келиб тушувчи ва чикувчи материаллар бўйича давлат ва тижорат сирларини саклашга жавобгардир.

6. Бўлим ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуидаги хуқуқларга эга:

Вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига Статистика ишлари дастурининг таркиби ва мазмuni буйича таклифлар киритиш;

Юридик шахслар ва бошка хужалик юритувчи субъектлардан белгиланган хажмларда ва муддатларда давлат статистика ҳисоботларини олиш ва статистик мақсадларда фойдаланиш;

Бўлимга юклатилган вазифаларни бажаришда зарур бўлган маълумотларни вилоят статистика бошқармасининг бўлимларидан, туман(шаҳар) статистика бўлимларидан

олиш вилоят худудидаги муассасалар ва ташкилотларда статистика маълумотларининг ишонччилиги ва тўликлигини белгиланган тартибда текшириш, статистик ҳисобот кўрсаткичларида бузилишлар аникланган такдирда уларнибартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш ва статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

Бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича корхоналар ва ташкилотлар вакиллари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш.

7. Бўлим Давлат статистика қўмитаси билан келишган ҳолда, вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган бўлим бошлиғи томонидан бошқарилади.

## **8. Бўлим ходимларининг функционал вазифалари:**

### **1) Бўлим бошлиғи:**

Бўлимнинг барча фаолиятини бошкаради ва бажарилиши лозим бўлган юклатилган ишларга, мажбуриятларга, ижро ва меҳнат интизоми ҳолатига жавобгарликни, шунингдек меҳнат жамоасидаги маънавий ва руҳий муҳитга шахсий жавобгарликни олади;

Бўлимни кадрлар билан тўлдириб бориш ва Бўлим ишининг самарадорлик даражасини ошириш бўйича чоралар кўради;

қўйилган вазифалар, Бўлимга кирувчи хужжатлар назорати ва иш жараёнида тажриба алмашиб бўйича Бўлим ходимлари билан йўриқнома тарзидаги йиғилишлар ўтказади;

иш юритиш, топширикларни ўз вактида ижро этилишининг катъий назорати бўйича ишларни ташкил этади, ишга оид бўлган хужжатлар билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ўрнатилган тартибга ходимларнинг амал қилишини таъминлайди.

Бўлим бошлиғи қўйидаги хуқуқларга эга:

Бўлим ходимлари ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш ва уларнинг лавозим йўриқномаларини ишлаб чикиш;

ходимларни лавозимини ошириш, жойини ўзгартириш ва рағбатлантириш, зарур ҳолларда жазо чораларини қўллаш бўйича таклифлар киритиш;

Бўлимнинг юкори малакали ходимлари лавозим маошларига алоҳида устамалар қўшиш, шу билан бирга, илгари ўрнатилган устамаларни камайтириш ва бекор килиш бўйича таклифлар киритиш;

Бўлим ишларини такомиллаштириш, шунингдек ҳисобот, ижро ва меҳнат интизомини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

идоралар, корхоналар ва ташкилотлар билан Бўлим ваколатига кирувчи масалаларни ҳал қилишда вилоят статистика бошқармаси номидан иш юритиш;

Бўлимга келиб тушувчи ва чиқувчи маълумотлар бўйича давлат ва тижорат сирларини сақланишини таъминлаш.

## **2) Бўлим бош мутахассиси:**

- Бўлим томонидан тайёрланадиган статистик маълумотларнинг сифатини яхшилаш бўйича доимий иш олиб бориш;
- қўйилган вазифалар, Бўлимга кирувчи хужжатлар назорати ва иш жараёнида тажриба алмашиш бўйича Бўлим ходимлари билан йуриқнома тарзидаги йиғилишлар ўтказади;
- Вилоят худудидаги муассасалар ва ташкилотларда статистика маълумотларининг ишончлилиги ва тўлиқлигини белгиланган тартибда текшириш, статистик хисобот кўрсаткичларида бузилишлар аникланган тақдирда уларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш ва статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;
- Давлат статистика қўмитасининг ижтимоий соҳа статистикаси бошқармаси билан ҳамкорликда ижтимоий соҳа ҳолатини тавсифловчи белгиланган қўрсаткичлар рўйхатига асосан маъruzалар ва статистик тўпламлар учун, ҳалкаро ташкилотлар учун, шунингдек қўмита раҳбарияти топшириғи бўйича турли маълумотларни тайёрлаш;

Ижтимоий соҳа статистика бўйича статистик маълумотларнинг сифатини яхшилаш, маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва умумлаштиришни такомиллаштириш ишларини олиб бориш;

## **3) Етакчи мутахассис:**

- Бўлим томонидан тайёрланадиган статистик маълумотларнинг сифатини яхшилаш бўйича доимий иш олиб бориш;
- Вилоят худудидаги муассасалар ва ташкилотларда статистика маълумотларининг ишончлилиги ва тўлиқлигини белгиланган тартибда текшириш, статистик хисобот кўрсаткичларида бузилишлар аникланган тақдирда уларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш ва статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;
- Давлат статистикаси тамойилларига ва ҳалкаро стандартлар ва қоидаларга мос келувчи ягона статистика услубиятига риоя этилишини таъминлаш;
- Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ соғликни саклаш, таълим, маданият, ижтимоий муҳофаза, туризм, фан ва илмий-техникавий салоҳият статистикаси бўйича статистик кузатувлар ўтказиш, тўплаш, қайта ишлаш, саклаш ва статистик маълумотларни нашрга тайёрлаш ишларини ташкил этиш;
- Ижтимоий соҳа статистика бўйича статистик маълумотларнинг сифатини яхшилаш, маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва умумлаштиришнитакомиллаштириш ишларини олиб бориш;
- Давлат статистика қўмитасининг ижтимоий соҳа статистикаси бошқармаси билан ҳамкорликда ижтимоий соҳа ҳолатини тавсифловчи белгиланган қўрсаткичлар рўйхатига асосан маъruzалар ва статистик тўпламлар учун, ҳалкаро ташкилотлар

учун, шунингдек қўмита раҳбарияти топшириги бўйича турли маълумотларни тайёрлаш;

- Ижтимоий соҳа статистикаси ҳамда бошкармаси билан ҳамкорликда худудий статистика органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотларнинг хаққонийлигини текшириш;